


# ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ЯНГИ ВА ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИН НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.



- **Фермер хўжалигининг замонавий, янги ва тежамкор технологиясидан фойдаланиш дейилганда, унинг мавжуд табиий, иқтисодий, моддий ресурсларидан тўғри фойдаланиш орқали маҳсулот бирлигига кам сарф-харажат қилган ҳолда максимал фойда олишга имкон берадиган маҳсулотлар турларини маълум бир мутаносибликда етиштириш тушунилади.**



Фермер хўжалигининг ташкилий-хўжалик тузилиши, тармоқларнинг мақсадга мувофиқ таркибини шакллантириш ишлари бир неча босқични ўз ичига олади:

1. Биринчи босқичда–маркетинг тадқиқотларини ўтказиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини, уни турли сегментларини чуқур таҳлил қилиб, корхонанинг бозордаги ўрнини аниқлаб олиш.

2. Корхона ҳудудининг табиий-иқлимий шароитлари ва жуғрофик жойлашувига мос келувчи, юқори ҳосилдорлик ва маҳсулдорликка эга, касалликлар ва зараркунандаларга чидамли маҳсулот турларини танлаб олиш. Бу жараёнда тупроқ унумдорлиги оширишга ва ҳосилдорликни юксалтиришга имкон берувчи алмашлаб экишни илмий ташкил этиш йўналишларини аниқлаб олиш.

3. Танлаб олинган маҳсулот турлари ва тармоқларнинг қиёсий иқтисодий самарадорлигини аниқлаш. Баҳолаш учун олдинги 3-5 йилда эришилган натижалар бўйича маълумотлардан ёки ўсимликчиликда технологик карталар, чорвачиликда эса бир бош чорва молига тўғри келадиган харажатлар асосида ҳисобланган нормативлардан фойдаланиш.

4. Қиёсий баҳолаш натижалари ва келтирилган бошқа омиллар асосида иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган маҳсулот турларини етиштиришга ихтисослашган тармоқларнинг энг қулай нисбатлари, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори чегаралари белгилаб олинади.



Фермер хўжалиги корхонасининг қулай тармоқ таркибини шакллантиришда қуйидаги тамойилларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

- бозор талабларига мос келувчи арзон, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни режалаштириш;

- иқтисодий самарадорлик мезонларига мос келувчи ва барқарор даромад келтирувчи хўжалик юритиш тизимини илмий изланишлар асосида аниқлаш;

- хўжаликнинг табиий-иқлимий шарт-шароитлари ва жуғрофий жойлашуви хусусиятларини тўлиқ эътиборга олиш;






- мехнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқаришнинг мавсумийлигини пасайтириш;


- ишлаб чиқариш воситалари, биринчи навбатда тракторлар, қишлоқ хўжалиги машиналари ва бошқа қиммат турадиган техника воситаларидан унумли фойдаланишга эришиш, уларнинг меъёрдан ортиқ бекор туриб қолишига йўл қўймаслик;

- ишлаб чиқаришнинг айрим хом-ашё ва материалларга бўлган талабини хўжалик ичида ишлаб чиқаришга эътибор бериш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида сотиш каналларини ишлаб чиқиш.



Тармоқлар сони ва товар маҳсулоти  
етиштириш ҳажми  
кўрсаткичларидан келиб чиқиб,  
**ихтисослашган ва кўп тармоқли**  
фермер хўжалиги корхоналари  
типлари мавжуд.




*Интеллектуал мулк* тушунчаси корхонада (фермер хўжалигида) конструкторлик-технологик, техник жараёнларни ҳамда юқори даражадаги технологияларни яратиш бўйича илмий изланишларни олиб бориш учун махсус ташкил этилган бўлим ва унинг хўжаликни иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган фаолияти назарда тутилади.

# Фермер хўжаликларида муаммони аниқлашда маълумотларни тўплаш усуллари.



Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ҳамда глобализация жараёнларини кучайиб бориши, мамлакатимизда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари сингари қишлоқ хўжалиги соҳасига замонавий инновацион техника ва технологиялар жалб этилиши барча фермер хўжаликлари олдига катта вазифаларини юклатмоқдаки, унинг натижасида қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларнинг сифати, рақобатбардошлиги, бозор сифимини тўлдириш, охиросида эса аҳолини ижтимоий ҳимоясини таъминлаш каби масалалар ўз ечимини топади.






Муаммолардан келиб чиққан ҳолда фермер хўжалигида янги ва тежамкор технологиялардан фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш вазифаларига қуйидагиларини киритиш мумкин:

- фермер хўжаликлари, қайта ишловчи корхоналар томонидан етиштирилаётган ва қайта ишланаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида маҳсулот сифатини бошқариш технологиясини ривожлантириш;

- маҳсулотларни сақлаш ва ташиш талаблари тўғрисида маълумотлар оммага тўлиқ етказилиши даражаси ҳамда сақлаш ва ташиш талаблари белгиланган миллий стандартларнинг халқаро меъёрлар билан мувофиқлаштириш;

- маҳсулот сифатини ошириш ва уни халқаро қишлоқ хўжалиги бозорлари талаблари даражага етказишни таъминлаш;



- янги ва тежамкор технологиялардан фойдаланиш имкониятини берувчи механизм ва тузилмалар фаолиятини юқори даражасига етказиш;

- янги ва тежамкор технологиялардан фойдаланиш учун мавжуд бўлганлари тўғрисидаги ахборотларнинг ўз вақтида қайта ишлаб фермер хўжаликларига етказиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ инфратузилманинг талаб даражасига етказиш;

- қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан етиштирилаётган маҳсулотларнинг ҳажми йил давомида ўзгариши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг, айниқса, шаҳар жойларида, қиш-баҳор ойларидаги таъминланганлик даражасини мониторингини ташкил этиш.